ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР, СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШИНГ!

МАРРАГА ТЕЗРОҚ ЕТИШ УЧУН КУРАШАЙЛИК. БУТУН КУЧ ВА МАШИНАЛАР ТЕРИМГА САФАРБАР ҚИЛИНСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 195 (5544).

4 ОКТЯБРЬ ШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ТУРСУНОЙ 180 ТОННА ПАХТА ТЕРДИ

ЧИНОЗ. (ЎзТАГ). Киров номли колхозда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова бригадасининг аъзолари ўз бригадири машинада пахта териш мавсум нормасини бажарганлиги билан табрикладилар. Пахта териш машиналарининг машҳур синовчиси, шу соҳадаги хизматлари учун Ленин мукофотига сазовор бўлган Турсуной мавсум бошидан бери 180 тонна пахта терди.

Аммо бу норманн колхоз правленнеси белгилаган эди. Турсуной Охунова эса беш йиллиннинг якунловчи йилида 400 тонна «оқ олтин» теришни ўзига марра қилиб олган.

Бригадада жуда яхши ҳосил етиштирилди. 85 гектар пахтазорнинг ҳаммасида бир текисдуркин ғўзалар қийғос очилган.

Бригада аъзолари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, планда белгиланганидан қарийб икки баравар кўп, яъни гектар бошига 60 центнер ҳосил олишга қарор берганлар.

Л. И. БРЕЖНЕВ ПОРТУГАЛИЯ ПРЕЗИДЕНТИ Ф. КОШТА ГОМЕШ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Португалия Республикасининг президенти генерал Франсиску Да Кошта Гомешни 3 октябрда қабул қилди.

Л. И. Брежнев билан Ф. Кошта Гомеш Совет Иттифоқи билан Португалия ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида, шунингдек Европада ва жаҳондаги вазият ҳақида фикрлашиб олдилар. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико иштирок этди.

Ф. Кошта Гомеш 1974 йил 25 апрель революциясидан кейин Португалиянинг демократик ривожланиши тўғрисида, вазиятни стабиллаштириш ва халқ ҳаётидаги прогрессив ўзгаришларни мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатда сарфланаётган куч-ғайрат ҳақида гапириб берди.

Л. И. Брежнев совет кишилари Португалия фашист диктатурасидан озод этилганлигини қизғин ҳайрихоҳлик ва бирдамлик ҳиссиётлари билан кутиб олганликларини таъкидлади. У озод ва мустақил Португалияни қураётган ишчилар, деҳқонлар, солдатлар, матрослар, офицерларга, барча демократик кучларга муваффақият тилади.

Л. И. Брежнев билан Ф. Кошта Гомеш Совет—Португалия муносабатларида қисқа вақт ичида катта тараққиётга эришилганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар. Улар Совет Иттифоқи билан Португалия суверен тенглик, ўзаро ҳурмат, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик негизида бундан буён ҳам дўстликни ва ҳар томонлама амалий ҳамкорликни ривожлантириш йўлидан боришга қатъий қарор берганликларини айтдилар.

Бошқа халқлар ўз ички ишларини қандай қуришлари кераклигини уларга ҳеч ким зўрлик билан қабул қилдиришга уринмаслиги лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ҳар бир давлат ўз халқи тақдирини ўзи ҳал қилиш учун суверен ҳуқуққа эга.

Суҳбат чоғида Совет Иттифоқи билан Португалия ялпи тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатиш жараёнини кучайтириш, тинч-тотув яшаш принципларини халқаро практикада илдиз оттириш манфаатларини кўзлаб ўз ҳамкорликларини кенгайтиришга тайёр эканликлари изҳор этилди. Томонларнинг фикрича, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда эришилган аҳдномаларни амалга ошириш бу соҳада биринчи даражали аҳамият касб этади.

Португалия Республикасининг президенти Совет Иттифоқига қилган визити чоғида бирталикда қабул қилинадиган муҳим ҳужжатлар: Совет—Португалия декларацияси, маданият ва фан соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, узоқ муддатли иқтисодий, илмий ва техникавий ҳамкорлик ҳақидаги битим, Совет—Португалия ахборот келишиб олинганлигидан ҳар икки томон мамнун эканлигини изҳор этди.

Суҳбат дўстона, амалий вазиятда ўтди. (ТАСС).



БЎКА районидаги Ҳамза номли колхоз пахтакорлари тобора зафар манзилига яқинлашиб келмоқдалар. Суратларда: 1. (колхоз раиси И. Хожиматов (чапда) ва участка бошлиғи Т. Худойберганов (ўнгдан биринчи)лар механик-ҳайдовчилар билан бирга машинада терилган пахта сифатини кўздан кечирмоқдалар. 2. Райондаги Ҳамза қабул пунктида янги-янги «оқ олтин» хирмонлари кўкка бўй чўзмоқда.

Н. Тўраев фотолари.

40 ЦЕНТНЕР УЧУН

Ўрта Чирчиқ районидаги ОХУНБОБОЕВ номли колхозда дастлабки маррани эгаллаган бригадалар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Мўмин Мирзабеков бошлиқ бригада биринчилар қаторида рапортга имзо чекди. Шу кунгача ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди.

Бригаданинг Зиябек Дусебеков, Норқўзи Абдурахмонов каби моҳир механизаторлари «пўлат этак»лардан 80—90 тоннадан пахта тўқишди. Бектурган Абдулхайиров, Тожибой Эгамберднев бошлиқ бригада пахтакорлари ҳам зафар маррасини эгалладилар. Бу бригадаларда ҳар гектар ердан 28—30 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Ҳали далаларда пахта мўл. Деҳқонлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ҳар гектар ердан 10 центнердан пахта топширишга, ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга сўз беришди.

МЕХАНИЗАТОРЛАР ҒАЙРАТИ

Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг поёнсиз пахтазорлари Чотқол этакларидаги тошлоқзорларга жойлашган. Колхозчилар ҳосилдорликни планда белгиланганига нисбатан 10—15 центнерга оширишга аҳд қилишган эди, ёз бўйи мажбуриятга яраша меҳнат қилинди. Ғўзаларни парваришлаш, озиқлантириш агротехника муддатларида олиб борилди.

Астойдил қилинган меҳнат ўз самарасини кўрсатмоқда. Чамандек очилган пахтазорларда жавлон ураётган «зангори кема»лар пешона тери билан етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олмоқда. Колхознинг Аноркул Умаркулов бошлиқ бригадаси биринчилар қаторида зафар маррасини эгаллади. Ҳар гектар ердан 26 центнердан юқори сифатли пахта териб олинди. Колхознинг Исомил Сайдуллаев бошлиқ бригадаси ҳам ғалаба рапортига имзо чекди. Эндиликда бу бригада аъзолари ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун ҳаракат қилишмоқда. Муҳаммад Исоқулов, Абдукарим Эргашев, Раҳим Қурбонов каби моҳир механизаторлар ҳар куни 8—10 тоннадан «оқ олтин»ни термоқдалар. Уларнинг шу кунгача эл хирмонига тўккан пахтаси 90 тоннадан ошиб кетди.

МАРРА САРИ

ШИПОНДАГИ йиғилиш ўзоқ давом этмади. Абдулла Каримов бошлиқ бригада беш кунликда илғорликни қўлга киритди. Ҳар куни йиллик планнинг 6—7 процента миқдорида пахта тайёрланди. Ҳар бир машина билан ўртача 10—12 тоннадан пахта теришга эришилди. Йиллик план — салкам 100 процент.

Бригада бошлиғи колхоз қўчма Қизил байроғини қабул қилиб олар экан, «Пахтакорларимизнинг мақсади — ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш, шу ният бизни олдинга етаклайверади»,— деди у.

Колхозда пахта учун кураш тобора қизимоқда. Бу курашда Тошпўлат Худойберганов бошлиқ участка пахтакорлари пешқадамлик қилмоқдалар. Ҳар бир агрегат билан 10—15 тоннадан «оқ олтин» терилмоқда.

Колхозимиз пахтакорлари етиштирилган ҳосилни тез ва соз йиғиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ҳар бир бригада, звено ана шу мўлжал билан иш юритмоқда.

Пахта йиғим-теримида механизаторлар пешқадамлик қилмоқда. Улар ёз бўйи экинни меҳр билан парвариш қилдилар. Ғўзаларни ҳосилдор, машинабоп қилиб ўстиришга ҳаракат қилишди. Пахта учун, элимиз обрўси, шон-шарафи учун бўлаётган курашда Бўта Сафаров, Нусрат Сангинов, Тоғай Мусурмонов, Жума Қулмуродов, Эгам Пардаевлар пешқадамлик қилмоқдалар. Уларнинг бугунгача терган пахтаси 90—100 тоннадан ошиб кетди.

Марди-майдонлар мардлиги, қаҳрамонлиги мана шу кенг пахтазорда, «оқ олтин» учун курашда кўринмоқда. Ҳар ким унга ўз ҳиссасини қўшиб бирор грамм ҳам пахтани ерда қолдирмай, давлат хирмонига топшириш нияти билан яшамоқда. Улар орасида илғор колхозчилар, теримчилар, меҳнат қаҳрамонлари бор.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова бошлиқ бригада йиғим-терим ишларини тобора кучайтириб, зафар маррасига дадил интилмоқдалар. Ўтган йил ҳар гектар ердан 37 центнердан пахта хирмони кўтарган азаматларнинг бу йилги нияти — 45 центнер.

Пахтакорларимиз бу йил планда белгиланган 27 центнер ўрнига 40 центнердан пахта топширишга аҳд қилганлар. Ҳосилдорликни шу йилнинг ўзида 3—4 центнерга ошириб, давлатга мўл ва сифатли пахта топшириш деҳқонларнинг азму-қароридир. Ҳозир далаларда 36 терим агрегати тинимсиз жавлон урмоқда. Ҳар куни йиллик планнинг 5—6 процента миқдорида пахта тайёрланаётир.

Беш йиллик план ва социалистик мажбуриятларни ошириб бажариш учун курашаётган колхозимиз пахтакорлари йиғим-теримда ғайрат ва жасорат кўрсатиб суръатга суръат қўшаверадилар. Азамат механизаторлар, пахта усталари ғалаба рапортига тезроқ имзо чекиш, улкан пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшиш орзуси билан яшамоқдалар.

И. ХОЖИМАТОВ,
Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз раиси.

430.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 3 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда топширилган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.

Қуйи Чирчиқ	4,02	81,71	4,57	87,96
Юқори Чирчиқ	5,94	67,57	6,75	74,30
Янгийўл	3,81	58,87	4,15	30,82
Ўрта Чирчиқ	3,71	54,76	4,54	58,50
Оққўрғон	4,10	52,94	4,19	50,76
Пискент	3,99	50,97	4,00	54,61
Бўка	3,87	50,41	3,88	45,12
Бекобод	4,22	50,16	4,18	43,98
Чиноз	4,00	43,25	4,24	31,73
Область бўйича:	4,08	55,85	4,42	53,45

БИР ЮЗ ЎТТИЗ БЕШ ИЗДОШ

Республикамиз тўрт зардбор ишчисининг КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдирган ҳолда меҳнат қилиб, съезд очиладиган кунгача келгуси йилнинг биринчи квартал планини бажариш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббуси барча корхоналарда ўз акс садосини бермоқда.

«Ташсельмаш» заводининг коллективи ана шу тўрт фидокор ишчининг бири ўзларидан чиққан ҳамкасблари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Борис Ефремов бўлганлиги бидан фахрланади.

Б. Ефремов май ойидаёқ зиммасидаги икки беш йиллик топшириқни адо этди. Қолган етти ойда бир йиллик, 1976 йилнинг 24 февралигача эса 1,5 йиллик планни бажаришга қарор қилган. Унинг ташаббусига биринчилар қаторида қўшилганлар орасида 4-цех темисти В. Дёмин, 5-цех электромонтёрлари Г. Шевченко, И. Муҳаммадиёров, 3-цех ишчилари А. Аҳмедов, Е. Храпков, 1-цех илғорлари М. Исроилов, Г. Пак, 10-цех темирчилари ота-бола Тошпўлатовлар бор.

Ташаббус қанот ёзмоқда. Ҳозирга келиб тўртларнинг издошлари 135 кишига етди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШОЛИ ЎРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 3 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Экин майдонига нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Бўка	4,8	77,6
Янгийўл	6,9	77,4
Пискент	4,5	76,1
Юқори Чирчиқ	9,0	65,0
Оққўрғон	12,5	58,3
Қуйи Чирчиқ	7,7	51,5
Ўрта Чирчиқ	5,6	46,4
Бекобод	1,7	36,3
Область бўйича:	6,0	51,9

ИСПАНИЯДА ЭРКИНЛИК ВА ДЕМОКРАТИЯ УЧУН

Испания маъмурлари ўтказаётган ўзбошимчалик ва қонунга хилоф ҳаракатларга қарши 2 октябрь куни бутун Совет мамлакатида қаттиқ норозилик тўлқини кўтарилди. Совет кишилари Европадаги коммунистик ва ишчи партияларининг даъватини, барча халқаро миллий касаба союз ташкилотларининг фашизмга қарши, Испанияда озодлик ва демократия учун ҳаракат кунини ёқлаб чиққан бирталикдаги ташаббусини яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Ишчилар ва колхозчилар, фан ва маданият арбоблари, барча совет кишилари ўз сўзларида испан ватанпарварларининг кураши билан бирдам эканликларини изҳор қилмоқдалар. Улар жаллодларнинг янги қонли жиноятлари тўғрисида ғазаб ва нафрат билан гапирдилар, Испанияда ҳукм сураётган террор ва зўравонликнинг тўхтатилишини талаб қилдилар.

МОСКВА. Автомобиль саноати заводларни лойиҳалаш давлат институти ходимлари испан ватанпарварлари билан бирдамликка бағишлаб 2 октябрь куни ўтказилган митингга тўпландилар. Уларнинг қўлларида репрессияларни тўхтатиш ва Испаниядаги барча сиёсий маҳбусларни озод этиш талаб қилинган шиорлар бор эди.

Уруш ветерани, Бухенвальднинг собиқ маҳбуси С. Е. Багданов фашизм халқларга келтирадиган хавф-хатар тўғрисида гапирди. Фашизм—тинчлик, демократия ва тараққиёт йўлида курашаётганлар учун қонли террор, қамоқ лагери ва турмадир. Катта инженер А. М. Лановая, лойиҳа бош инженери А. А. Францев ва сўзга чиққан бошқа кишилар испан халқи демократия ва эркинлик учун курашда якка эмас. Барча совет халқи, Ер юзидаги барча тараққиётпарвар кучлар улар билан бирдам эканлигини таъкидладилар. Испания ватанпарварларига берилаётган ёрдам—Европани фашист диктатурасининг сўнгги таянчидан озод қилиш ишига, тинчлик ва демократияни мустаҳкамлаш ишига қўшилаётган ҳиссадир.

ЛЕНИНГРАД. С. М. Киров номли йигирув-ип комбинати слесарлар бригадири А. Т. Позднишев корхона коллективи номидан гапириб, «Испан ватанпарварларига қарши террор дарҳол тўхтатилишини талаб қиламиз»— деди. Беш нафар антифашистнинг қатл этилганлиги франкочи режимнинг беҳаёлиги, шафқатсизлиги ва жиноятчи эканлигини кўрсатувчи янги далилдир. Лекин эрксевар испанларнинг демократия ва ўз инсоний ҳуқуқлари учун курашда иродасини букаолмайди, деди ишчи.

Митингда сўзга чиққанлар Испанияда фашистлар жиноятига чек қўйилишини қатъий талаб қилдилар.

ВЛАДИВОСТОК. Чукотка соҳилларига жўнаб кетган «Яков Свердлов» теплоходининг бортида испан маъмурлари ўтказаётган қонунга хилоф ҳаракатларга қарши норозилик митинги бўлди. Коммунистик меҳнат экипажи репрессияларга дарҳол чек қўйишни, конҳўр жаллодларни жиловлашни талаб қилди. Кема капитани В. А. Кожухов ва бошқа денгизчилар митингда сўзга чиқиб, Франко режимини ағдариб ташлаш учун курашни тўхтатмаётган Испания меҳнаткашлари билан қардошларча бирдам эканликларини изҳор этдилар.

МИНСК. Минскдаги «Горизонт» ишлаб чиқариш техника бирлашмасида митинг бўлиб ўтди. Ленин ордени ҳавалари, Белоруссия ССР-да хизмат кўрсатган рационализатор, слесарь Р. К. Жолток митингда сўзга чиқиб бундай деди: Франко инквизиторлари Испанияда демократик эркинликларни поймол қилдилар. Чириб қолган режим ўз мағлубиятини қурол кучи билан тўхтатиб қолишга уринмоқда. Қаттиқ репрессиялар билан испан халқига даҳдага қилмоқда. Биз, барча совет кишилари сингари ана шу мамлакат узра озодлик қуёши яна порлашига қатъий ишонамиз.

НОВОРОССИЙСК. Новороссийск денгиз савдо портида митинг бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари Испанияда фашистлар террорига қарши норозилик билдиридилар.

Порт ишчиларининг бригадири В. Г. Горпийченко митингда сўзга чиқиб бундай деди:

— Испан халқининг ватанпарварларини қатл этган франкочи жаллодларга лаънатлар ўқиймиз. Биз Франко режими демократларга нисбатан ўтказаётган зўравонликнинг дарҳол тўхтатилишини талаб қиламиз. Испаниянинг барча ватанпарварлари озод қилинсин!

Митингда қабул қилинган резолюцияда жумладан бундай дейилади: «Биз Жаҳон касаба союзлари Федерациясининг испан кемалари юкини бўшатиш ва уларга хизмат кўрсатиш операциясини ўтказмаслик тўғрисидаги даъватни қўллаб-қувватлаймиз».

КИШИНЕВ. Испанияда интербригаданинг собиқ жангчиси, ёшларнинг мураббийси, коммунист М. Г. Килимник Кишинев трактор заводи ишчилари митингида нутқ сўзлеб бундай деди:

— Мен қарийб 40 йил муқаддам испан фашизми нима эканлигини ўз кўзим билан кўрган эдим. Фашистлар қадам босган ҳамма жойда қон тўкилар, вахшиёна қирғинлар қилинарди. Фашизмга қарши курашган барча кишиларнинг қалбларидаги изтироб ҳали ҳам ўчган эмас. Мана бугун франкизм беш нафар ватанпарварни қатл этиб, яна ёвуз жиноят қилди. Биз фашистларнинг испан халқига, бутун жаҳондаги жамоатчилик фикрига қилинган бу даҳдасига жавобан курашаётган Испания, совет кишилари сен билан бирга!— деймиз.

ФРУНЗЕ. Қирғизистон Давлат университетининг профессори Х. М. Мусин митингда сўзга чиқиб бундай деди: Барча совет кишилари, барча тараққийпарвар инсоният сингари студент ёшлар ҳам Франко ёвузликларига қарши зўр ғазаб билан норозилик билдирмоқдалар. Бу мамлакатда фашист режимига қарши курашаётган Испаниянинг барча демократик кучлари билан бирдаммиз ва франкизмга қарши, Испанияда озодлик ва демократия учун ҳаракат кунини ўтказишни таклиф этган Европа касаба союз ташкилотларининг ташаббусини маъқуллаймиз.

Испанияда франкизмга қарши норозилик, эркинлик ва демократия учун кураш митинглари Тошкентда, Бокуда, Новосибирскда, Волгоградда, Руставида ҳамда мамлакатимизнинг бошқа шаҳар ва поселкаларида ҳам бўлиб ўтди.

(ТАСС).

ЧЕВАР ҚИЗЛАР

ПАХТА йиғим-терими кенг қулоч ёйган мана шу долзарб кунларда ҳамма далада. Терим машиналарининг ҳайқириғи, теримчи қизларнинг ялласи бир зум бўлсин тинмайди. Сиз юқоридаги суратда кўриб турган Ҳ. Мингбоева Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг 10-бригадаси илғор теримчиси. У мавсумда 10 тонна «оқ олтин» териб бермоқчи. Пастдаги суратда эса, шу колхоздаги 7-ўрта мактаб ўқувчиси М. Тўрахўжаевани кўриб турибсиз. Бу серғайрат қиз кунига 80—100 килограммдан ошириб пахта териб, 2-бригада хирмонига барака киритмоқда.

Ҳ. Аввалов фотолари.

ДЕПУТАТ ЎҚУВИ

Маҳаллий Советда депутат асосий фигурадир. Депутат — халқнинг маҳаллий ҳокимиятдаги мухтор вакили, айни бир пайтда у — меҳнаткашлар орасидаги давлат кишисидир. Депутат аввало ҳар икки ўринда нима билан шуғулланишини кўз олдига келтириши керак. Депутат ўқуви ва унинг амалий тайёргарлиги бунда муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни ташкил этиш Янгийўл шаҳрида қандай йўлга қўйилганлиги, депутатлар активлигининг хўжалик ва маданий қурилишига таъсири ҳақида шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. БЕКТУРСУНОВ шундай ҳикоя қилади:

— Ҳар бир чақириқ сайловларида шаҳар Совети составининг деярли ярми янгиланади. Депутатликка янги, бошқарув ишларида етарли тажрибага эга бўлмаган кишилар сайланади. Уларга биринчи навбатда ўз ваколатларини тўлиқ эгаллаб олишларида ёрдам бериш, амалдаги қонунлар ҳақида керакли маълумотларни тушунтириш, Совет ва унинг ижроия комитети, унга бўйсунувчи хўжаликлар ва хизматларнинг функциялари, доимий комиссиялар, депутат группалари, ўз-ўзини идора қилувчи жамоат ташкилотларининг фаолияти билан таништириш муҳимдир.

Шунинг учун шаҳар Совети ижроия комитети депутатлар ўқувига алоҳида эътибор бермоқда. Депутатлар Статуси тўғрисидаги қонунни ўрганиш бу борадаги ўқув-методик ишларимизнинг марказига қўйилган. Шаҳар Советининг биринчи сессиясида тасдиқланган перспектив план бўйича ўтказилаётган «Депутат куни» депутат ўқувида асосий мактаб ролини ўтамоқда. «Депутат куни» машғулотлари одатда сессия бўлмайдиган ойларда ўтказилади. Бу машғулотлар айниқса шаҳар Советига биринчи мартаба сайланган депутатлар учун жуда фойдали бўлаётир.

Машғулотларда совет қурилиши масалалари, ҳуқуқ темалари ўрганилади, илғор тажриба оммалаштирилади. Депутатлар партия ва ҳукуматнинг муҳим қарорлари билан таништирилади, улар учун халқаро аҳвол ҳақида лекциялар ўқилади. XIV чақириқ Советларининг фаолияти давомида депутатлар Статуси тўғрисидаги қонун кенг ўрганилди. «Депутатнинг Совет сессияси ва ижроком мажлисига материал тайёрлашда қатнашуви», «Депутатнинг доимий комиссиялар ва депутат группалари ишида иштирок этиши», «Депутат меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини ҳал қилишда», «Депутат ва сайловчилар», «Сайловчилар наказларини қандай бажаряпман?», «Сессияда сўров ҳуқуқи» ва бошқа мавзуларнинг ўрганилиши халқ вакилларининг фаолият билим доираларини кенгайтирибгина қолмасдан, амалий фаолиятлари учун ҳам жиддий ёрдам берди.

«Депутат кунлари»дан бирида депутатлардан ёғ-мой комбинатининг ишчиси А. Запара, маиший хизмат комбинатининг тикувчиси М. Ҳасанова, 5-автобаза шофери А. Калонов ўртоқлар ўз сайлов округларида ва ишлаб чиқариш коллективларидаги фаолиятлари тўғрисида гапириб бердилар. Шаҳар маиший хизмат комбинатида ойлик ва йиллик планлар ошириб

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

бажарилади. Бу муваффақиятга янги техникани жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш йўли билан эришилмоқда. М. Ҳасанова ана шулар ҳақида гапириб берди ва депутатлик бурчини бажаришдаги ишларидан тажриба алмашди. У ўтган йили планни 108,6 процентга бажарган. Депутат сифатида иш шароитини яхшилаш тўғрисида қайғуради, иш вақтидан унумли фойдаланиш, меҳнат ва молия интизомига риоя қилиниши бўйича текширишлар ўтказишда актив иштирок этади.

Шаҳар Советининг депутати, электромонтёр Ю. Абдужабборов 30 йилдан бери ёғ-мой комбинатида самарали меҳнат қилиб келмоқда. У моҳир рационализатор ҳамдир. Вагонлардан чигит туширишда пневматик юк туширувчи агрегат жуда катта шовқин чиқарарди. Депутат-рационализатор агрегат ваакуум-насосининг ҳаво ютувчи трубасининг катта шовқин чиқармайдиган қилиб мослаш ҳақида таклиф киритди. Таклиф амалга оширилгач, шовқин кучи камайди. Комбинат атрофида яшовчи аҳоли бундан хурсанд бўлди. Кекса ва тажрибали депутатларнинг фаолиятидаги бундай мисоллар ёш депутатлар учун ёрқин ибрат бўлмоқда.

«Депутат куни» машғулотларида масъул раҳбарларнинг чиқишлари уюштирилмоқда. Бу чиқишлар кўпинча қизиқарли ва фойдали мунозаралар, савол-жавоб кечаларига айланиб кетади. Кейинги машғулотларда шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Абрукина, масъул секретари Х. Эшонқулов, халқ судьяси И. Магомедова, шаҳар прокурори Ф. Фозилов ва бошқа ўртоқлар депутатлар ҳузурида турли мавзуларда суҳбатлар ўтказдилар.

Давлат қурилишининг ленинча принциплари, совет қурилиши назарияси ва парктикаси, ташкилий-оммавий ишларнинг шакл ва методлари ҳамда «СССРда меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатларининг Статуси тўғрисида»ги Қонунни изчил ўрганишларида депутатлар шаҳар ижроия комитети қошидаги депутатлар хонаси ёрдам бермоқда. Бу хонада депутатлар Советлар фаолиятининг назарий асоси билан танишадилар, халқ хизматкори вазифасини бажаришлари учун керакли методик ёрдам оладилар. Доимий комиссиялар, депутат группалари ва бошқа комиссияларнинг мажлислари шу ерда ўтказилади. Депутатлар мана шу хонада учрашиб, бир-бирлари билан маслаҳатлашадилар, тажриба алмашадилар.

Шаҳардаги деярли барча корхона ва муассасаларда область ва шаҳар Советлари депутатларининг нормал иш юритишлари учун етарли шароит яратиш мақсадида махсус қабулхоналар ёки столлар ажратилган, сайловчиларни қабул қилиш вақти кўрсатиб қўйилган. Бу хоналарда сайловчилардан тушган танқидий мулоҳаза ва таклифлар ҳисоб-китоби олиб борилади. Мулоҳаза ва таклифлар умумлаштирилади ва чора кўриш учун тегишли бўлимлар, бошқармалар, ташкилот ёки муассасаларга юборилади.

Депутат ўқуви Советнинг сайловчилар билан алоқасида, бошқача қилиб айтганда давлат билан халқнинг узвий муносабатида катта ўрин тутади. Коммунистик қурилишнинг улкан вазифаларини ҳал қилишда маҳаллий Советлар ва депутатлар иштирокининг нечоғлик муҳимлиги ҳам бу тадбир алоҳида эътиборга лойиқ эканлигини таъкидлайди. Янгийўл шаҳар Совети ижроия комитети бундан буёнги фаолиятида депутат ўқувини доимо диққат марказида тутади ва КПСС XXV съездига тайёргарликда депутатлар активлигини янада ошира боради.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ЕВРОПА КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИНИНГ ЧАҚИРИҒИ

Испанияда фашистлар режимининг янги жинояти муносабати билан Жаҳон касаба союзлар федерацияси, Европанинг халқаро ва миллий касаба союз ташкилотлари 2 октябрь куни Европанинг ҳамма мамлакатларида Испанияда франкизмга қарши озодлик ва демократия учун ҳаракат куни ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

Коммунистик ва ишчи партиялар, шу жумладан, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси касаба союз ташкилотларининг мана шу ташаббусини қўллаб-қувватловчи қўшма чақириқ эълон этишга қарор қилдилар. Чақириқда бундай дейилади:

Европанинг Коммунистик партиялари Европадаги барча халқаро ва миллий касаба союз ташкилотларининг Испанияда франкизмга қарши озодлик ва демократия учун 2 октябрь пайшанба куни бутун Европада ўтказиладиган ҳаракат кунини ёқловчи қўшма ташаббусини табриклайдилар.

Улар ҳамма меҳнаткашларга, ҳамма демократларга, испан халқининг ҳамма дўстларига мурожаат этиб, шу антифашист ҳаракатни мумкин қадар кенг кўламда қўллаб-қувватлашга чақирадилар.

ҚАҲР—ҒАЗАБ

Испанияда террорчилик ва зўравонлик авж олганлиги, Франко режими беш испан антифашистини отиб ўлдирганлиги бутун дунёда прогрессив жамоатчилик норозиликларини ҳамон тўлқинлантириб турибди.

ВАРШАВА. Умум Польша тинчлик жамиятининг баёнотида айтиладики, испан ватанпарварларига чиқарилган ўлим ҳукмларининг ижро этилиши «генерал Франко фашист режимини шармандаи — шармисор қилди».

ПРАГА. Бутун прогрессив инсоният фашизм устидан ғалабанинг 30 йиллигини нишонлаётган шу кунларда дейилади Халқаро студентлар союзининг баёнотида, Франко режимининг мавжудлиги ҳеч муроса қилиб бўлмайдиган анохронизм ҳисобланади.

БЕЛГРАД. ЮСФР скупщинаси бугунги мажлисида халқаро жамоатчиликка мурожаатнома қабул қилди. Унда Испанияда инсон ҳуқуқларига ҳурматсизлик бутун дунёда демократик тараққиётга хавф-хатар солади, деб таъкидланади.

Загреб шаҳрининг минглаб аҳолиси Франко террорига қарши норозилик митингида қатнашди. Хорватия пойтахтининг қарийб ҳамма катта-катта корхоналарида шундай митинглар бўлиб ўтди.

ПАРИЖ. Европа меҳнаткашлари Испания халқига ёрдам қўлини чўзаяптилар деб ёзади «Юманите» газетаси. Улар испан халқи фашизмдан халос бўлишига ёрдам беришга тайёр эканликларини исбот қилмоқдалар.

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси испан халқи билан бирдамлик ҳаракатини мустаҳкамлашга даъват қилди. Мамлакатнинг транспорт ишчилари касаба союзи билан транспорт хизматчилари касаба союзи испан кемалари ва самолётларини бойкот қиламиз деди.

БРЮССЕЛЬ. Бу ерда асосий сиёсий партиялар ва касаба союз ташкилотларининг чақириғига биноан Испанияда франкизмга қарши озодлик ва демократия учун ҳаракат куни ўтказилди.

Бельгияда қоқ тушда ҳамма корхоналар ва муассасаларда иш тўхтатилди. Бельгия меҳнаткашлари Испанияда демократлар таъқиб этилишига қарши ғазабли норозиликларини шу тахлитда изҳор қилдилар.

МЕХИКО. Бутун мамлакатда Мексика ҳукуматининг Франко режими билан муносабатларни бузиш тўғрисидаги қарори ва унинг Испанияни БМТдан чиқариш тўғрисидаги талабини қўллаб-қувватлаб оммавий митинглар ўтмоқда.

(ТАСС).

ИМПЕРИАЛИСТЛАРНИНГ ҚАБИҲ ЖИНОЯТЛАРИ

Америка ва Англия империалистлари бир неча йилдан бери Чагос ороллари майдонида қонли ва қабиҳ жиноятларни амалга ошириб келмоқдалар.

Пентагон ҳарбийлари, Англия империалистлари ёрдами билан Чагос оролларининг ичида энг йириги бўлган Диего-Гарсия оролини ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучларининг йирик базасига айлантириб юбормоқчилар. Оролнинг 1400 кишилик аҳолиси зўрлик билан Маврика территориясига кўчирилган эди. Кўчирилган бечораларнинг кўпи очлик ва касаллик натижасида ҳалок бўлди. Маврика территориясига келтирилган кишилар оила бошлиқларининг 17 процентигина иш топа олган.

Диего-Гарсия фожиаси жаҳон халқларини, ҳатто Америкадаги прогрессив кишиларни ҳам қаттиқ ғазабга келтирмоқда. «Вашингтон пост» газетаси оролнинг ерли аҳолиси зўрлик билан кўчирилганлигини тан олди. Сенатор Кеннеди орол аҳолисини зўрлик билан кўчиришда Америка Қўшма Штатлари Англия ҳукумати билан тил бириктириб иш тутганлигини фош қилиб ташлади.

«Вашингтон пост» газетасининг хабар беришига қараганда, Пентагон ҳарбийлари Америка конгрессини чалғитиш мақсадида, «оролда ҳеч ким яшамаяпти, ёки оролдаги ерли аҳоли ҳеч қандай қаршилик қилмаяпти», деган ёлғон гапларни тарқатиш йўли билан Диего-Гарсияда қабиҳ мақсадларни амалга ошириб келганлар.

Сенатор Р. Кларк Пентагонни танқид қилиб, бу масалани текшириш зарурлигини алоҳида қайд қилди. Жаҳон жамоатчилигининг норозилигини сезган Англия ташқи ишлар министри бу оролда Америка ҳарбий базаси қурилиши муносабати билан ерли аҳоли кўчирилган ва аҳолининг қаршилиги куч билан бостирилган, дейишга мажбур бўлди.

Хўш, кейинги йилларда Америка империалистлари нима учун Диего-Гарсия оролига ёпишиб олдилар?

Ҳинд океанининг марказий қисмида Чагос архипелаги чўзилиб ётади. Бу ороллар группасининг майдони катта эмас атиги 110 квадрат километрга боради. Ерли аҳолиси асосан негрлардан иборат. Улар тропик маҳсулотлар етиштириш ва балиқ овлаш билан ҳаёт кечирадилар. Бу ерларни 1836 йилда машҳур олим Чарльз Дарвин ҳам келиб кўрган эди.

Чагос ороллари 5 та маржон ороллар группасидан иборатдир. Бу ороллар ичида энг каттаси Диего-Гарсия бўлиб, оролнинг узунлиги 25 километрга боради. Оролда кемаларнинг келиб тўхташи учун ғоятда қулай бўлган табиий қўлтиқлар бор. Орол аҳолиси Англия зулми остида эзилиб келди. 1966 ва 1972 йилда Англия ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида тузилган шартнома асосида орол Пентагоннинг ҳарбий базасига айланишига йўл очиб берилди. Алоқа маркази қилиш баҳонаси билан орол аслида, энг йирик ҳарбий денгиз ва ҳарбий ҳаво базаларига айлантириб юборилаётир. Оролда ҳарбий аэродром, ҳарбий омборлар ишлаб турибди. Америка ҳарбий мутахассислари 200 дан ошиб кетди.

Яқинда Англия ва Америка ўртасида тузилган янги шартномага мувофиқ, оролда катта ҳарбий қурилишлар жадаллик билан амалга оширилмоқда. Самолётлар қўнадиган жойлар 4 километргача чўзилади. Нефть омборлари қурилишига, орол гарнизони сонини кўпайтиришга эътибор берилмоқда. Аэродромлар реактив самолётларни, ҳарбий портлар эса ҳозирдан бошлаб атом сув ости кемаларини қабул қила олади. Пентагон харажатларни 30 миллион долларга етказди. Бу маблағ фақат порт ва аэродромлар қуришга сарфланмоқда.

Пентагон ҳарбийлари оролнинг Ҳинд океани марказида жойлашганлиги ва Осиё, Африка, Шарқий-Жанубий Осиё, Австралияга деярлик бир хил масофада туришини, стратегия аҳамиятини ҳисобга олиб, иш кўрмоқдалар. Америка империалистлари жаҳоннинг кўп ерларидаги ҳарбий базаларини бир-бири билан боғлашда, сув йўлларини эгаллаб олишда, араб нефть конларига кўз олайтиришда, миллий-озодлик ҳаракатларини бўғишда Диего-Гарсияга ва ундаги ҳарбий денгиз ва ҳарбий-ҳаво базасига таянишга уринмоқдалар.

АҚШ мудофаа министри 1976 йил ҳарбий харажатларни 105 миллиард доллар бўлишини талаб этди. Пентагоннинг планига мувофиқ 1985 йилда ҳарбий ишларга 148 миллиард доллар сарф қилинмоқчи. Бу ҳарбий харажатларда Диего-Гарсияга алоҳида эътибор берилиши муқаррардир. Америка империалистлари оролни Поларис, Минитмен, Посейдон ва қанотли ракеталар билан тўлдириб, ажал омборига айлантиришга зўр бериб уринмоқдалар.

Империалистларнинг қабиҳ жиноятлари жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Ҳиндистонда чиқадиган «Пэтриот» газетаси ўзининг бош мақоласида Ҳинд океани осойишталик ва тинчлик зонаси бўлиши лозим, деб талаб қилди.

Ҳинд океани ҳавзасидаги давлатлар бутун жаҳон жамоатчилиги билан биргаликда империалистларнинг қабиҳ жиноятларини дадиллик билан фош қилмоқдалар.

А. ОМИЛОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ОММАВИЙ—СИЁСИЙ ИШЛАР ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА

Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхозининг партия ташкилоти меҳнаткашлар ўртасида ғоявий-сиёсий ва оммавий-тарбиявий ишларни ўтказиш юзасидан бирмунча тадбирларни амалга оширмоқда. Меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишларни олиб бориш учун 16 сиёсий ахборотчи, 70 дан зиёд сиёсий ташкилотчи, шунингдек агитатор, сиёсий докладчи ва пропагандист кадрлар танланган.

Аммо, амалга оширилаётган ишлар совхозда партия пропагандасини кучайтириш ва омманинг ғоявий-сиёсий тарбиясини яхшилаш соҳасидаги ҳозирги кун талабларига жавоб беролмайди. Жумладан, бош зоотехник вазифасини бажарувчи А. Кадушкин, бош экономист А. Жоноқов, техника хавфсизлиги инженери А. Усмонов ва бошқалар бир йил давомида бирон марта ҳам омма ўртасида лекция ва суҳбатлар ўтказмадилар. Совхоз партия комитетида тасдиқланган агитколлектив эса ўз фаолиятини тўхтатиб қўйган. Маҳаллий лекторлар томонидан кейинги беш ой ичида атиги олти марта лекция ва суҳбат ўтказилганини қониқарли ҳол, деб бўлмайди.

Хўжаликнинг ҳамма сут-товар фермалари ва бригадаларига жамоатчи лекторлар, сиёсий ахборотчи ва агитаторлар биринтиб қўйилган. Аммо, 2-бўлимдаги Омон Назаров бошчилик қилаётган сут-товар фермасига борганимизда бригада бошлиғи сўнгги олти ой давомида бу ерда бирон марта ҳам лекция ва суҳбат ўтказилмаганлигини айтди. 1-бўлимдаги Ўринбой Ҳамдамов бошчилик қилаётган бригаданинг шинамгина дала шийпони бор. Бироқ, бу ердаги кўргазмали агитация воситалари шу кун талабига жавоб бермайди. Совхоз партия комитети томонидан бригадага Эргаш Мусурмонов — мамлакатнинг ички аҳволи, Мутал Юнусов —иқтисодий ҳаёт, Анорбой Холтўраев — халқаро аҳвол бўйича сиёсий ахборотчи қилиб тасдиқланган. Бироқ, улар бригада ишчилари билан ҳеч қандай иш олиб бормайдилар. Агитатор Мўмин Муталов эса шу йилнинг 14, 18 март, 23 июнь ва 8 август кунлари ишчилар билан суҳбат ўтказган, холос. Бир йил мобайнида маҳаллий лекторлардан ҳеч ким дала шийпонида лекция ўқимаган.

Хўжаликнинг ўртоқ Мўмин Хайитқулов цех партия ташкилотининг секретари бўлган 3-бўлимида ҳам оммавий-сиёсий ишлар қониқарсиз аҳволда. Цех партия ташкилоти ҳалигача КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съезди муносабати билан социалистик мусобақани янада авж олдириш тўғрисидаги қарори асосида конкрет тадбирлар белгиламаган. Ўтган бир йил давомида партия мажлиси ёки партия бюроси йиғилишларида идеология масаласи бирон марта ҳам муҳокама қилинмади.

Совхоз партия комитети (секретари С. Султонқулов) жамоат ташкилотлари билан етарли даражада иш олиб бормаяпти. Шунинг учун ҳам совхозда халқ дружинаси, ўртоқлик суди, граждан мудофааси, «Билим» жамияти, хотин-қизлар Советларининг олиб бораётган ишлари талабга жавоб бермайди. Меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича деярли ҳеч қандай иш қилинмаяпти. Ҳуқуқий билимларни пропаганда қилиш қониқарсиз аҳволда.

Совхоз партия комитети кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишга етарли эътибор бермаяпти. Яқиндагина далачилик бригадасида илғор ишчи бўлиб меҳнат қилаётган ёш қиз — район Советининг депутати Рузвоной Худойбердиева асоссиз равишда болалар боғчасига хўжалик мудири қилиб ўтказилган. Кейинги икки йил ичида 1 ва 2-бўлимларнинг бошқарувчилари уч мартадан ўзгартирилди. Ўтган икки йил мобайнида ўнга яқин малакали мутахассис хўжаликдан кетиб қолди.

Партия ташкилоти бу масалаларга етарли эътибор бериши, ишчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтириши лозим.

М. ҚАЮМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ИСПАН ВАТАНПАРВАРЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ

Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари билан бирга франкочиларнинг испан ватанпарварларини таъқиб қилишига қарши зўр ғазаб билан норозилик билдирмоқдалар. 2 октябрь куни Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводида франксизмга қарши, Испанияда озодлик ва демократия учун кураш кунига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Ишчи ва хизматчиларнинг қаторлари узра «Испан ватанпарварлари, биз сизлар билан биргамиз!», «Жаллодларга лаънат!», «Испанияда репрессия тўхтатилсин!» сўзлари ёзилган транспарантлар бор эди.

Ғилдирак цехининг слесари Ўринбой Хусанбоевга сўз берилади. У бундай деди:

Испания жаллодлари Испаниянинг содиқ фарзандларини ваҳшиёна жазолаганликлари тўғрисидаги хабар бутун дунёни ларзага келтирди. Биз, совет ишчилари испан ватанпарварлари билан астойдил бирдам эканлигимизни айтамиз, демократлар турмаларда жазоланиб, уларга азоб берилаётганлигига қарамай фашистлар эрксевар ва мард халқнинг иродасини бука олмайди.

Завод меҳнатчилари митингда нутқ сўзлаб, Франко қонли режимига қарши ғазаб ва нафрат ҳис-туйғуларини билдириб, жаллодларни қаттиқ қораладилар.

Митинг қатнашчилари якдиллик билан резолюция қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

МОВИЙ КЎЛЛАРДА ОВ БОШЛАНДИ

Оққўрғон экспериментал-намуна балиқ комбинатининг балиқ боқиладиган кўлларида кузги ов бошланди. Хўжаликнинг энг яхши коллективларидан бири бўлган Неъматулла Абдуллин бошлиқ звено кунига 10 центнерга қадар балиқ овламоқда. Ҳар биттаси бир килограмм келадиган яссибош балиқлар, амур, катта-катта карп балиқлари турлардан «тирик балиқ» деб ёнига ёзиб қўйилган машиналарнинг цистернасига тушмоқда.

Моҳир балиқчиларнинг балиқ овлайдиган кўллари 120 гектар майдонга қулоч ёзган. Бу — тажриба участкасининг учдан бир қисмига тенг келадиган майдондир. Бу ерда Н. Абдуллин кўл балиқ хўжалиги Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти олимлари билан биргаликда балиқ овланадиган ҳар гектар «майдон»нинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан тажриба ўтказмоқда. Бу кўл бир неча йилдан буён мўл-кўл балиқ овланиши билан машҳурдир. Эндиликда Н. Абдуллин ҳар гектар «майдон»дан 75 центнердан балиқ овлаш мажбуриятини олди.

Неъматулла Абдуллин ва унинг ёрдамчиси — балиқчи В. Аникин кўлни синчиклаб тайёрлашди, турли бегона ўтлардан уни тозалашиб, сув кириш ва сув чиқиш каналларини янгиладилар. Ботқоқлашган жойларни хлорли оҳак билан дорилаб чиқдилар. Буларнинг ҳаммаси сувдаги кислород миқдорини муқимлаштирди. Бундан ташқари муҳитни бойитиш учун аэроторлар ўрнатилди. Балиқларни боқиш интенсивлаштирилди. Кўлларда сув кўкатлари кўпроқ бўлиши учун минерал ва органик ўғитлар солинмоқда.

Машҳур балиқчи бир неча йилдан буён Донецк балиқ комбинатидаги А. Новиков бошлиқ коллектив билан мусобақалашиб келмоқда. Унинг мусобақадош дўсти оққўрғонликлар ҳузурига бир неча марта келиб, улар меҳнатни қандай ташкил этиши, хўжаликни юритиш усуллари билан танишди. Оққўрғонлик балиқчилар ўтган йили сув камчил бўлиб, ёз иссиқ келишига қарамай мусобақада ғолиб чиқишди, ҳар гектар «майдон»дан 62 центнердан амур, карп ва яссибош балиқлари олишди. Мусобақадош дўстлар бу йил ҳам ана шундай маррани белгилашган.

Неъматулланинг хўжалиги катта хўжалик, унинг ўзи ва ёрдамчиси балиқларнинг қандай ўсаётганлигини, семираётганлигини кузатиб турадилар, тоза сувнинг оқиб келишини тартибга соладилар. Кўпгина операцияларни механизмлар бажаради. Ўрнатилган озуқа тақсимлагичларнинг силлиқ юзасидаги озуқа кўлга оҳиста тушади. Бу асбоб унча мураккаб эмас, лекин меҳнат сарфини тенг ярим бараварида камайтирди. Яқинда қурилган балиқ тутгич балиқ овлашни механизациялаш имконини берди.

Н. Абдуллин звеноси йил бошидан буён қарийб икки минг центнерга яқин балиқ овлади. Звено йил охиригача эса яна уч минг центнер балиқ овлашни мўлжаллаб турибди.

Э. ШАЛЬ,
ЎзТАГ мухбири.

ОТИШМАЛАР ТЎХТАМАЯПТИ

БАЙРУТ. 2 октябрь. (ТАСС). Ўтган кун ва ўтган тун Байрутнинг Айна, Ар-Руммана ва Шиях районларида отишмалар ва Қуролли тўқнашувлар юз берди. Кечаги кун 135 киши ўғирлаб кетилди, аммо маҳаллий матбуотнинг ёзишича, уларнинг кўпчилиги кейинчалик бўшатиб юборилган.

Шаҳарнинг марказий районларида олди-сотди ва иш тўхтаб қолган.

Шаҳар кўчаларида янги-янги баррикадалар пайдо бўлмоқда, кўпгина йўллар қатнаш учун хавфли деб эълон қилинган.

Байрутда президент С. Франжье раислиги остида ҳукуматнинг яна мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлис вазиятни нормал изга солиш мақсадида кўриладиган чораларни муҳокама қилишга бағишланди.

Мажлис тугагач Бош министр Р. Караме бир қанча тегишли қарорлар қабул қилинганлигини айтди. У кўчаларда ҳеч бир айби бўлмаган тинч гражданларни ўғирлаш ва ўлдириш ҳоллари кўпайиб кетганлигини қоралади ва ҳамма зўравонлик ҳаракатлари дарҳол тўхтатилсин деб даъват қилди.

Бош министр мамлакатда бўлаётган воқеалар бутун Либан халқига катта зарар етказади ва унинг душманлари манфаатларинигина кўзлайди, деб таъкидлади.

ПРАГАДА Чилининг жасур ватанпарварлари билан бирдамликка бағишланган оммавий митинг бўлиб ўтди. Митингда Чили Коммунистик партияси Бош секретарининг ўғли Луис Альберто Корвалан иштирок этди.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ЭРТАГА—ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИ

ДИЛ ҚАСИДАСИ

ЭНГ севган одамнинг ким,
Қомусдай олимнинг ким,
Кимдир сен учун олам,
Берасан кимга салом,
Кимлар боғу бўстонинг,
Бағри пургулистонинг?
Дея савол берсангиз,
Тингланг, агар билсангиз:
Бомукаррам одамим,
Зўр билағон олимим,
Оламдай нуридийдам,
Ҳам онаму, ҳам дадам,
Дилдаги илму кучим,—
Жонажон ўқитувчим.
КИМ йўлдаги чароғинг,
Йўллагувчи маёғинг,
Қўшқанотинг ким ўзи,
Саодатинг ким ўзи,
Кимдир ул фарахбахшинг,
Юракда мангу нақшинг?
Дея савол берсангиз,
Тингланг, агар билсангиз:
Чароғликда қуёшим,
Маёқликда оташим,
Мустаҳкам, пўлатқанот,
Мунавварли саодат,
Фарахбахш асал, қандим,
Қўли гул нақшбандим,
Абадийга севгувчим,—
Ул азиз ўқитувчим.
ҚАНДАЙ инсон,
мукаддас,—
Садоқатдан берди дарс,
Ардоқлаб эъзоз қилган,
Элингга мумтоз қилган,
Бахтли инсон ким ўзи?
Порлоқ экан юлдузи?
Дея савол берсангиз:
Тингланг, агар билсангиз:
Ўша инсон — устозим,
Муҳаббатли куй, розим,
Минг руҳ бериб бу танга,
Хизмат қилгин Ватанга,
Деб бошимдан силаган,
Ўпиб оқ йўл тилаган,—
Шу доно ўқитувчим,
Мавлоно ўқитувчим!...

Раҳим УМАРИЙ.



ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Октябрь районидаги 120-ўрта мактаб педагогик коллективи ўз байрамларини меҳнатда ажойиб ютуқлар билан кутиб олишди. Мактабда халқимиз ўғил-қизларига кўп йиллардан бери яхши таълим-тарбия бериб келаётган меҳрибон қалб эгалари кўп. Мубошар Мунаввархонова ана шундай ажойиб зиёкорларнинг биридир. Унинг мактабда ўқитувчилик қилаётганига 20 йилдан ошди. 7-синф аълочи ўқувчиси Фарида Мирзоҳидова (юқоридаги сурат) ўз меҳрибон устозини байрам билан табрикламоқда.

Мавжуда Икромова — мактабга яқинда ишга келган ёш ўқитувчилардан бири. Ўз касбини жони-дилидан севган, серғайрат, болаларга меҳрибон Мавжуда коллективда тезда ҳурмат қозонди. Пастдаги суратда — М. Икромова бошланғич синфлардан бирида дарс бераётган пайт.

Б. Мансуров фотолари.

КЕЧАГИ ШОГИРД, БУГУН УСТОЗ

ПЕШТОҚИГА: «Район методика кабинети» деб ёзиб қўйилган каттагина хонага кирган ёш муаллима аввалига бироз ийманиб, хижолат чеккандек бўлди. Кейин ўзини қўлга олиб, ўнг тарафда ўтирган аёлга мурожаат этди:

— Кечирасиз, мен Маҳмуджон акага учрашмоқчи эдим...

— Қўшни хонадалар, — деди очиқ чеҳра билан методист аёл.

Муаллима ижозат сўраб ичкарига кирганда Маҳмуджон ака ҳузуридаги одамлар билан сўзлашиб ўтирарди. Аёл стуллардан бирига омонатгина ўтирди.

— Жуда яхши, агар бошқа савол бўлмаса, шу тартибда ёзиб келинг. Лекин икки кундан кечикмасин, ўртоқлар билан кўриб чиқиб, мулоҳазаларимизни айтамиз, — деди Маҳмуджон ака ўнг томонда ўтирган суҳбатдошига ва у билан хайрлашди.

Ҳузуридаги иккинчи одам ҳам худди шу масалада фикрлашгани киргани учун суҳбат бироз давом этди.

— Фақат «5» ва «4» баҳоларга ўқитаётган илғор ва тажрибали бир ўқитувчининг маърузасини тинглашимиз керак. Агар бошланғич таълим усталаридан бири бўлса, яна ҳам яхши бўларди. Мактабингизда шундай ўқитувчилар бор. Қийин бўлмаса, ўзингиз лозим кўрган бирон ўқитувчини эртага методика кабинетига юборсангиз...

Маҳмуджон ака суҳбатдошини эшикка кузатаркан, бир чеккада ийманиб ўтирган ёш муаллимага мурожаат қилди:

— Келинг, синглим. Узр, Сизни кутдириб қўйдим?!

Муаллима «зарари йўқ» дегандек ишора қилди-да, мудаога кўчди:

— Менга ўқув-календарь дарс планининг нусхаси керак эди?

— Марҳамат, бемалол олиб фойдаланишингиз мумкин. Унга алоқадор методик кўрсатма ҳам ишланган, — деди мудир ва муаллимани қўшни хонага бошлаб чиқиб фанлар бўйича тузилган иш плани нусхалари, методик кўрсатмалар, ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибалари сақланадиган бир неча папкани унга узатди.

Муаллима қувониб кетди. Маҳмуджон ака унга жой кўрсатар экан, деди:

— Хотиржам танишиб чиқинг, керак бўлса кўчириб олинг. Савол чиқиб қолса, методист ўртоқлардан, мендан сўрашингиз мумкин...

Маҳмуджон ака Саидаҳмедов 15 йилдан буён Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ маорифи бўлими қошидаги район методика кабинетига мудир. Ана шу ўтган йиллар мобайнида райондаги кўпгина мактаблар илғор тажрибалар марказига айланди.

Ўқитувчиларни ўқув-тарбия соҳасидаги илғор тажрибаларини жамлаш, чуқур ўрганиш ва мактабларга кенг ёйиш борасида методика кабинети олиб бораётган самарали ишлар диққатга сазовордир. Шуниси айниқса ибратлики, ўртоқ М. Саидаҳмедов методика кабинети методистларигагина таянмай, балки райондаги илғор, тажрибали педагоглар —жамоатчи-методист ўқитувчиларни ҳам ўз атрофига тўплаган.

Ана шу илғор ўқитувчилар кўмагида мактаблардаги дарслар тез-тез кузатиб, таҳлил қилиб борилади, ютуқ-камчиликлар аниқланади ҳамда ўқув-тарбия соҳасида конкрет хулосага келинади. Районда предметлар бўйича тармоқ методик бирлашма фаолиятига алоҳида эътибор берилмоқда. Чунончи, фақат бошланғич синф ўқитувчилари учун районда олтита тармоқ методик бирлашма ишлаяпти. Кабинет мудири ушбу методик бирлашмалар раҳбарлигига тажрибали, илғор жамоатчи-методист ўқитувчиларни тайинлаган. Ҳар бир тармоқ методик бирлашма бошланғич таълимнинг бирон муҳим проблематик масаласи бўйича иш олиб боради. Чунончи, янги ўқув программалари бўйича талабаларга чуқур ва мустаҳкам билим беришнинг асосий методикаси «2» сиз ва икки йилликсиз ишлашнинг асосий омиллари, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлигига эришиш каби актуал масалалар шулар жумласидандир.

Ўртоқ М. Саидаҳмедовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ўқитувчиларга методик йўлланма ва йўл-йўриқ берувчи «кўрсатма»лар тайёрланиб, мактабларга мунтазам тарқатилиб турилибди. Бундай тадбир, айниқса, ёш, тажрибаси ҳали кам муаллим ва муаллималарга катта амалий ёрдам бераяпти.

«Улгурмовчиликнинг олдини олиш», «Фақат «5» ва «4» баҳоларга ўқитиш «сири» нимада?» каби методик кўрсатмалар шулар жумласидандир.

Маълумки, конкурс ва олимпиадалар ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Ана шу муҳим тадбирларга пухта ҳозирлик кўриш, уни муваффақиятли ўтказиш борасида Октябрь райони мактабларининг ўқитувчилари қувончли натижаларга эришиб келмоқдалар.

Заҳматкаш, камтарин педагог ўртоқ М. Саидаҳмедов катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Дастлаб, Тошкентдаги Ильич номли заводнинг, кейинчалик «Подъёмник» заводининг ишчиси бўлган Бузрук ота ўғли Маҳмуджон барвақт меҳнат фаолиятини бошлади. 1942 йили эндигина ўқитувчилик фаолиятини бошлаган ўсмир оила бошлиғи бўлиб қолди: ота Совет Армияси сафига чақирилди. Орадан икки йил ўтгач, Маҳмуджон ҳам ўз ихтиёри билан Ватан мудофаасига отланди. У Совет Армияси сафида 1950 йилгача хизмат қилди. 1950 йили Тошкентга, тинч ижодий меҳнат қучоғига қайтгач, Октябрь районидаги 13-мактабда пионер вожатий бўлиб ишлай бошлади. Ишдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттирди. Олий маълумот олди. 1952 йили у шонли Ленин партияси сафига кирди.

1960 йилдан бери Октябрь район халқ маорифи бўлимининг методика кабинетида мудирлик лавозимида ишлаётган Маҳмуджон ака совет ёшларини коммунистик руҳда тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У мазкур муассасада партия ташкилотининг секретари ҳамдир.

Моҳир педагог бўлмай туриб, чинакам методист бўлиш мумкин эмас. Ўртоқ Саидаҳмедов мактабда илғор ўқитувчи сифатида ҳам ўзгаларга ўрнак. Райондаги 59-ўрта мактабда она тили ва адабиётидан дарс беради. У ўқитаётган синфларда ўзлаштириш аъло даражада.

Халқ маорифи равнақи йўлидаги муносиб хизматлари учун у 1966 йили ҳукуматимизнинг олий мукофоти Ленин ордени билан тақдирланди.

Мана шу қувончли айём кунида халқимиз фарзандларининг катта устози, моҳир педагог ўртоқ М. Саидаҳмедовга ўқув-тарбия соҳасидаги улкан ва хайрли ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
У. САЛОҲИДДИНОВ.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Чирчиқ шаҳридаги 2, 19 ва 20-мактаб коллективлари москвaликларнинг КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш мақсадида «Коммунистик меҳнат ва турмуш учун курашаётган шаҳарга намунали мактаблар» ташаббусига қўшилиб, Мурожаат қабул қилдилар.

Тўққизинчи беш йиллик давомида шаҳар маорифи базаси мустаҳкамланди. Мактабларда турли хил фан лабораториялари, кабинетлар очилди, малакали ўқитувчилар бириктирилди. Алишер Навоий номли 2-мактабда бир йилдирки, тўла ўзлаштиришга эришилмоқда. Бу мактаб Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг қатнашчисидир.

2, 19 ва 20-мактаб коллективлари шонли анъаналарни давом эттириш ва янгидан-янги ютуқларга эришиш мақсадида қатор тадбирлар ишлаб чиқишди.

Чирчиқ шаҳар партия комитети бюроси мурожаатни маъқуллаб, шаҳар халқ маорифи бўлими, маориф ходимлари касаба союзлари шаҳар комитети, мактаб партия ташкилотларига ташаббусни кенг ёйиш ва барча педагогик коллективларнинг актив иштирокини таъминлаш топширилди.

КОММУНИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Пискент район партия комитетининг пленумида район партия комитетининг иккинчи секретари В. Любчиков «Коммунистларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш юзасидан район партия ташкилотлари олдида турган вазифалар» темасида доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан коммунистлар партия топшириғини бажаришда коммунистлар масъулияти ва активлигини ошириш, ҳар бир коллективда принципиаллик, юқори талабчанлик, партия ҳаётида ленинча нормаларга тўла риоя қилиш, соғлом танқид ва ўз-ўзини танқид шароитини яратиш тўғрисида сўзладилар.

СЕКРЕТАРЛАР СЕМИНАРИ

Орджоникидзе район партия комитетида бошланғич партия ташкилоти секретарларининг семинари бўлиб ўтди. Район партия комитетининг иккинчи секретари С. Стрижнев КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXV съездини муносиб кутиш олиш учун социалистик мусобақани авж олдириш ва район партия ташкилоти олдида турган вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Ингилишда бошланғич партия ташкилоти секретарлари «Ҳисобот ва сайловлар партия ҳаётида муҳим давр», комсомол ҳужжатларини алмаштиришнинг бориши, комсомол ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар», «Партия ва комсомол маорифи ўқуви системасида янги ўқув йилига тайёргарлик» темаларида ўзаро тажриба алмашдилар.

ДИЛДОРНИНГ МАКТУБИ

(ЭТЮД)

Бугун ҳаво очиқ. Куз қуёшининг заррин кокиллари олам бўйлаб ёйилган. Ҳиёбондаги ёш ниҳоллар қуршовидаги кекса чинор қуёш нурида яшнаб, салобат солиб турибди.

Бугун — ўқитувчилар куни, қутлуғ 60 ёшга кирган кунингиз. Шу онларда сиз худди қаршимдаги мана шу чинордек кўз олдимда гавдаландингиз. Биз унинг атрофидаги ёш ниҳоллардек билим булоғингиздан баҳра олдик, меҳрингиз нуридан яшнадик. Тўғри, қадрингизга етмаган пайтларим ҳам бўлган. Энди ҳаммасига фаҳмим етади. Ахир, оддий тракторчидан тортиб, фазо шунқорларигача илк марта қўлига қалам тутиб, ёрқин ҳаёт сари йўллаган ким? Ўқитувчи! Ҳа, ўқитувчи!

Олтмиш ёш! Бу фақат айтишгагина осон. Ана шу 60 рақами ўз ичига гоҳ йилларнинг аёзли, қаҳратонли, гоҳ илиқ ҳамда жазирама кунларини эслатмайдими?

Аёзли, қаҳратонли йиллар... Бу йиллар сизни қасосга чорлайди. Душманга шердек ҳамла қилишга ундади. Курашга отландингиз. Беш йил қон кечдингиз. Соати йиллик умрга тенг келадиган бу даврда неча не даҳшатларни, не-не ёвузликларни, не-не жирканчликларни ўз кўзингиз билан кўрдингиз... Сийнаси кесилган она, унинг пажмурда гавдаси ёнида чирқираб йиғлаётган гўдакнинг нолакор овози, дор остида душманга тик қараб, «Ватан учун олға!» деб ҳайқирган жасур комсомолларнинг момақалдироқдек жарангдор сўзи бўлиб, қулоқларингиз остида акс-садо бераётгандир, бу йиллар.

Аёзли йиллар... Бу йиллар сиз учун жуда қимматга тушди. Қанча-қанча навқирон ёру-жўраларингиз, ака-укаларингиз, ота ва боболарингиз ҳамда бир қўл, бир оёғингиз худди мана шу ёвуз йиллар қаърида беиз йўқолди. Йўқ! Йўқ! Беиз эмас, асло! Мангу қолди. Ҳа, номаълум солдат бўлиб ,сўнмас олов бўлиб, ҳайкал бўлиб мангу порлаб қолди, бу йиллар.

Илиқ ва ёқимли йиллар... Бу йиллар сизга биз, шогирдларни ҳадя этди. Сизнинг ўқ, автомат тутган дарғазаб қўлларингиз майинлашди, қаҳрурғазабга тўлган чеҳрангиз қуёшдек ёришди. Чунки онангиз ва ёрингизга, азиз фарзандингизга, табаррук она ерингизга, жондан азиз Ватанингизга чанг солмоқчи бўлган ёв боши янчилди. Энди сиз пайҳон бўлган далаларни гуллатувчи, вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни бунёд этувчи, тўхтаб қолган заводларни юргазувчи кишиларни, яъни биз, ёшларни илм нури билан суғоришга киришдингиз. Ўзингиздек метин иродали, қўрқмас, элсевар ва эрксевар, душманга аёвсиз ва дўстга меҳрибон бўлишга даъват этдингиз. Гарчи бу йиллар илиқ бўлса-да, сизнинг юзингизга ажин солди, сочингизга қиров қўндирди. Лекин, қалбингизда эса ёрқин, эслашга арзигулик миннатдор хотиралар қолдирди, бу йиллар.

Нигоҳингизга боққан киши кўпроқ бахт уқади. Бахтли онларингиз умрингиз тарозусини босиб турибди. Негаки, сизнинг умрингиздан ҳамма миннатдор. Бепоён Ватанимиз бўйлаб учирма қушдек қанот қоқиб кетган юзлаб шогирдларингиздан табрик хатлари келмоқда. Улар порлоқ келажак учун, бутун дунё тинчлиги учун курашмоқдалар. Ватанимиз қудратини ошириш учун сиз берган билим нурларини эзгу мақсад сари йўналтирмоқда. Шунинг учун ҳам сиз шу томири сертармоқ, виқорли, салобатли чинорга ўхшаб кетасиз. Ҳа, мен сизни, ўқитувчини, чинорга қиёс этаман.

Ҳаво очиқ. Олам нур денгизига чўлганган. Муҳтарам устозимга хат ёзиб бўлгач, охиста ҳиёбондаги ёш ниҳоллар қуршовидаги кекса чинор томон юрдим.

— Ассалом чинор! Бу мен, ёнингиздаги ниҳол — Дилдор!

Дилшода САИДАЛИМОВА.

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатининг кўп минг кишилик коллективи КПСС XXV съезди шарафига зарбдор меҳнат вахтасида туриб меҳнат қиляпти. Бу даргоҳда келгуси йилнинг биринчи квартал планини съезд очиладиган кунгача бажариш юзасидан тўртлар ташаббусининг издошлари кун сайин кенгайиб бормоқда. Суратларда: (чапдан) ип фабрикасининг зарбдор ишчилари, корхона ветеранлари А. Григорьева, А. Рогодина ва Л. Самок. Улар зиммаларига ошрилган социалистик мажбурият олиб ишлашяпти. Гул босиш цехининг пешқадам ишчиси Бахтиёр Бобоқулов (ўнгда) фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаряпти.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

ХОТИРАНГИЗ ҚАЛАЙ

Бу саволга ҳар қандай одам ҳам фақат тахминий жавоб бериши мумкин. Бироқ бирор касб-кор учун одам танлаш ёки таълим беришда, медицина тадқиқотлари учун бу саволга аниқ, холис жавоб топилиши керак. Бунинг учун турли типдаги приборлар яратилган. В. И. Ульянов (Ленин) номли Қозон давлат университетининг студентлари ва ходимлари хотира сирларини ошкор этишга яна бир бор уриниб кўрдилар.

Қисқа муддатли хотирани аниқлайдиган ихчам электрон прибори улар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига тақдим этдилар. Бу прибор тадқиқот учун кенг имкониятлар очиб беради. У хотира ҳажмини, эслаш вақтини, тезлигини аниқлашга кўмаклашади.

Прибор жуда оддий тузилган. Имтиҳон топширувчига айрим рақамлар ёки рақамлар группаси берилади. Бу рақамларнинг пайдо бўлиш тезлиги экспериментнинг қай мақсадда ўтказилаётганига қараб ўзгартирилади. Экзамен топширувчи рақамли индикаторларда эсда қолган рақамни эслайди. Эслаш учун кетган вақтни прибор қайд этади ва тўғри жавоблар миқдорини аниқлайди. Прибордан техникларда, лабораторияларда, корхоналарда фойдаланиш мумкин.

МУЗИКАНИНГ ЯНА БИР ҲОСИЯТИ

Машинкада ёзиш курсини ўргатиш одатда салкам 400 соат вақт олади. Бироқ, музика садолари остида машинкада ёзишни ўргатилса, бу вақтни деярли уч баравар қисқартириш мумкин экан. СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Халқ маорифи» павильонида тасвирланган музика садолари остида машинкада ёзишни ўргатиш методини қўлланиш тажрибаси бу методнинг юксак самарали эканлигини кўрсатди. Музика остида ўқиганда қисқа вақт ичида бармоқлар автоматик тарзда ҳаракат қилишга, тез ва хатосиз ёзишга ўргатилади. Бундан ташқари музикали машғулотлар кишини камроқ чарчатади, демак, машғулот интенсивроқ ўтади.

Жадал метод программасига бармоқлар учун махсус гимнастика, жисмоний тарбия учун танаффуслар, ҳарфларнинг жойланишини ва ёзиш қоидаларини ўрганиш ҳам киради.

Д. СЕМЕНОВА.
О. ПАВЛОВ.
(СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси — ТАСС).

РУСТАМ ГАПИЛОВ — Бўстонлиқ районидаги Чирчиқ ўрмон хўжалигининг моҳир шофери. Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани Р. Гапилов 17 йилдан бери шу касбда ишлаб келади. Хўжаликда ишлаб чиқариш илғори. У ўз шарафли касбидан ташқари боғдорчилик ва гулчилик билан ҳам шуғулланади. Суратда: Рустам Гапилов ўзи етиштирган гуллари билан.

И. Портнов фотоси.

«МАҚСАД ВА ОРЗУ ЮКСАК ЭКАН, ҲАЁТ НУРАФШОН БЎЛАДИ»

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек ўз ижодий йўлининг дастлабки йилларида ёзган шеъридан олинган бу сўзларни унинг бутун ижоди учун эпиграф қилиб олиш мумкин. Атоқли совет ёзувчиси ҳаёт бўлганида бугун етмиш ёшга кирарди. У ўзининг бутун илҳом ва талантини меҳнаткаш инсонни, порлоқ ҳаёт учун курашувчи инсонни, катта орзу эгаси бўлган инсонни тараннум қилишга бағишлади. Унинг қаҳрамонлари бугунги кунда Ватанимиздаги ва чет мамлакатлардаги миллион-миллион китобхонлар билан, халқларнинг ўнлаб тилларида гаплашмоқдалар.

Адабиётчилар, олимлар, ёзувчининг дўстлари Ойбек туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган кечада ўзбек совет адабиётининг қарор топиши ва ривожланишига Ойбек қўшган катта ҳиссага, Ўзбекистон адабиётининг ёш қаламкашларига устоз асарларининг аҳамияти ҳақида гапирдилар.

2 октябрь куни Ҳамза номли театрда бўлиб ўтган кеча концерт билан тугади. Бу концертда халқ ёзувчисининг шеърлари ва қўшиқлари янгради.

(ЎзТАГ).

ҲАШАРЧИЛАР МАДАДИ

Шу кунларда шаҳримиздаги кўпгина олий ўқув юртларининг студентлари қишлоқ хўжалиқ меҳнаткашларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг студентлари Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхози сабзавоткорларига кўмаклашмоқдалар. Улар ҳар куни 10 тоннага яқин маҳсулотни йиғиб беришмоқда.

Э. Шайдуллаев, Ш. Болтаев, М. Йўлдошева каби жонкуяр ҳашарчилардан колхознинг Т. Отахўжаев бошлиқ бўлган 7-бригадаси аъзолари мамнун бўлишмоқда. Студентлар кунига 60—70 яшиқдан помидор теришмоқда.

Х. РУСТАМОВ.



ҚЎШИҚ ШАЙДОСИ

Ёз кунлари эди. Дала шийпони тушликка чиққан одамлар билан гавжумлашди. Қўшни бригадалардан ҳам колхозчилар келишди. Улар мактаб ҳаваскорлари ижросида бўладиган концертга йиғилишган эди.

Супача устига ушоққина йигит кўтарилди. Бирданига атрофга селдек қўшиқ жаранги қуйилди. Майин куй, дилрабо қўшиқ сокин далалар, поёнсиз экинзорлар, яшил боғлар узра узоқларга тараларди. У шундай жўшиб куйлардики, ўтирганлар ҳам куй ва қўшиқ оҳангига монанд тебранарди.

Маҳмуд қўшиқ айтишга ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ ҳавас қўйди. Унинг ёқимли, ширадор овози тез орада одамларга хуш ёқиб қолди. Мактабда, колхоз клуби ва дала шийпонларида ўтказиладиган турли кечалар, ҳаваскорларнинг чиқишларида актив иштирок этар, ёшлик, Ватан, она меҳри-муҳаббати, ҳур ҳаётимиз ҳақида битилган қўшиқларни жўшиб куйларди.

Тошкент Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга киргандан сўнг «Дилнавоз» ансамблига қабул қилинди. Қўшиқ ижроси санъатини эгаллаш устида тинимсиз ишлади. Ансамблнинг бадиий раҳбари Темир Маҳмудов ўзининг фойдали маслаҳатларини, санъат соҳасидаги бой тажрибасини ёшларга меҳр билан сингдирарди.

— Маҳмуджоннинг овозида ўзгача майинлик, киши қалбини забт этувчи сеҳри бор, — дейди ансамбль бадиий раҳбари. Келгусида педагог бўлиш орзуси уни ўқишда ва жамоат ишларида барчага ўрнак бўлишга ундамоқда.

У бу йил тўртинчи курсда ўқимоқда. Концертларда Маҳмуджоннинг овози тобора баландроқ, хушхонроқ жарангламоқда. У ансамбль билан бирга пахта йиғим-терими мавсумида республикамизнинг турли область пахтакорлари ҳузурида бўлади, уларни хушнуд этади.

Маҳмуджон укаси Орифжон билан ҳам доимий машқ қилиб туради. Ака-ука санъат ихлосмандларининг репертуари она диёримиз, меҳнат ва муҳаббат ҳақидаги қўшиқлар билан бойиб бормоқда.

Н. ТЎРАЕВ.

Суратда: ака-ука Маҳмуджон ва Орифжон Азимовлар.

Автор фотоси.

ҚОПЛОН БИЛАН ЙЎЛБАРС

(ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ)

Тагимда от, қўлимда қўштир милтиқ; тўқай кезаман, колхоз чорвасига чанг солмоқчи бўлган бўриларни овлайман, қирғовулларни қўриқлайман. Ишим ўрмон қоровулию — касбим овчилик. Ҳамиша итим Қоплон мен билан бирга, соядек орқамдан эргашади.

Ёз куни. Одатимга кўра, қамишзорлар орасидаги сўқмоқдан отлиқ кетиб бораяпман. Ҳар ер — ҳар ерда осмонга тустовуқлар кўтарилади. Узоқдан ўрдакларнинг ғаг-ғаги билан лайлакларнинг ноғораси, турналарнинг ғужурлаши эшитилади.

Тўқай дим. Нафасим қисилади. Орқада тилини осилтириб Қоплон келмоқда. У ҳам ҳансирайди. Озгина кўлмак сув кўринди дегунча узун тиллари билан томоғини ҳўллайди, сувга думалаб чўмилади. Иссиқ сувдан қандай лаззат топар экан, ҳайронман...

Якка жийдага етиб олсам, бас. Уша ерда тўхтайман. У ерда муздек булоқ бор. Мазза қилиб сув ичаман, юзимни юваман. Отимни бироз совутиб, кун пешиндан оғгач, яна йўлга тушаман. Номозгарга яқин ўтовга етиб оламан. Бошимда фақат шу фикрлар. Ҳатто қушларнинг сайраши, бақаларнинг қуриллаши ҳам қулоғимга кирмайди. Ораси оз қолди. Яна ярим соат юрсак, марра бизники.

Хаёлимни йўлимни тўсиб ғиншиган Қоплоннинг овози бузди. У бирор хавфни сезса ёки овни учратса шундай қилар эди. Иссиқда нимани кўрдийкин? Ўзи тилини осилтириб зўрға кетяптию, овга бало борми?!

— Чарчадингми, Қоплон, ҳозир, озгина қолди. Кейин ҳаммамиз дам оламиз.

Шундай дедим-у, эътибор бермай отга қамчи урдим. Лекин Қоплон яна йўлга кўндаланг бўлди, узангига сакраб, оёғимдан тортди. Тўхташга мажбур бўлдим. От қамишзор ичига югурганча кириб кетди. Кўп ўтмай озгида эндигина кўз очган йўлбарс боласини тишлаб чиқди. Мен уни қойдим, орқасига қайтармоқчи бўлдим. Аммо, Қоплон гапимга сира кирмади. Мен отдан тушдим. Унинг озгидаги ўлжани олиб қамишзорга кирмоқчи бўлдим. Қоплон этигимдан тишлаб, оёғимга осилди. Менинг эса Йўлбарс боласини қўйнимга солиб отга минишдан бошқа иложим қолмади. Эртага эсидан чиқариб, ўрнига олиб келиб қўярман деб ўйладим.

Қоплонни кўрсангиз эди шу пайт. У гўё чарчаганини ҳам унутди. Тоғ отнинг олдига ўтиб, тоғ орқада қолиб елиб-югурарди. Ўз ўйинчоғини топиб олган болалардек қувонарди. Шу зайлда манзилга қандай етиб олганимизни ҳам сезмай қолдик.

Отни қантариб, супага келишим билан Қоплон ёнимга югуриб келди. Ҳар сафар биринчи бўлиб ўзини совуқ сув бағрига отиб, ялпиз салқинига югурадиган ит бу гал қўйнимни ҳидлади. Йўлбарс боласини излади. Уни қўйнимдан чиқаришим билан тишлаб, салқинга олиб кетди.

Мен жийда тагида ёнбошлаб Қоплонни кузатдим. У йўлбарс боласини авайлаб ялпизга ётқизди, ялади, ҳидлади. Кейин ўзи ҳам унинг ёнига ётди. Йўлбарс боласи оч қолган бўлса керак, бошини у ён-бу ён тебратиб Қоплонни эма бошлади.

Ниҳоят, қорни тўйган йўлбарсча уйқуга кетди. Қоплон чўмилиб, ёнимга келди. Узига ташлаган гўштни тишлаб яна Йўлбарс боласи ёнига кетди. Уни оёқлари орасига олиб кўзларини юмди.

Кунлар кетидан ҳафталар ўтди. Мана, қоплон бола топиб олганига бир ой бўлди. Шу вақт мобайнида у бирор соатга ҳам арзандаси ёнидан узоқлашмади. Кечалари ин атрофини айланиб, ҳар бир шарпага вовуллар, кундузи эса овқатини ёб дарҳол инга кириб йўлбарсни ўз бағрига оларди.

Қоплон илгари ёш болалар билан жуда иноқ эди. Улар қўлидан нон олиб ерди. Шу арзанда йўлбарс келди-ю, уни болалардан ҳам қизғанадиган бўлиб қолди. Бирон кишини чипор тўнли боласининг ёнига йўлатмасди. Бир ойлик Йўлбарс катта мушукдек улғайди. Унинг оёқлари эса Қоплонникидан йўғон эди. Баъзан она-бола иккови тишлашганда Йўлбарс нинадек ўткир тишларини Қоплоннинг қулоғига ботирарди. Оғриқ қанчалик зўр бўлмасин, Қоплон чидаш берарди.

Бора-бора Қоплон бирор нарсага вовуллаб югурса, Йўлбарс ҳам унинг кетидан лапанглаб югурадиган, кўринган жониворга ташланадиган бўлди, онаси билан қўшилиб гўшт ейиш, сут ичишга ўрганди.

Кундардан бирида кутилмаган воқеа юз берди. Ўтовдан анча нарида ўтлаб юрган қўйлар тум-тарақай бўлиб қўра атрофига югуриб келишди. Уқтин-ўқтин пишқириб бирбирига хавфдан дарак беришди. Одатда, бўри келганда ёки бирон хавф рўй берганда, шундай қилгучи эди. Мен милтиқни ўқлаб ҳозиргина қўйлар келган томонга йўл олдим. Узоқдан бир нарсанинг ораси кўринди, кўзимга. Яқинлашиб борсам — бундан икки ҳафта олдин қўзилаган қора совлуқ икки оёғини ерга қўйиб ўрнидан турмоқчи бўлади-ю, аммо қуйруғи оғирлашиб, яна ерга йиқилади. Атрофида кўзичоғи маъраб юripти.

Нима бўлди экан? Бўри даф қилдимикин? Йўқ, бўри қўйни бундай овламайди. Думбасидан тишлаб, елкалайди. Бирон хавф сезганда ҳам думбани узиб қочади, ўз улушини қолдирмайди. Қўйнинг думбасини кўздан кечирдим. Тиш изи йўқ.

Шу пайт бутазорлар ичидан Қоплон чиқиб келди. Унинг кетидан йўлкин. Бундан бир илож қилиб қутилиш, хавфнинг олдини олиш лозим.

Мушкулимни ўрмон хўжалигининг директори осон қилди.

— Бунинг битта иложи бор, —деди у. Йўлбарсни ҳайвонот боғига топшириш лозим. Тутишнинг иложи борми?

— Ҳа, олдига борса, индамайди, кучукдек эркаланади. Ҳатто болаларнинг қўлидан гўшт олиб, ейишни ҳам ўрганган.

— Ундай бўлса сим қафас тайёрлаб ичига қамаймиз.

Шофер бола жуда уста экан. Хаш-паш дегунча атрофдаги симларни тўплади. Тўқима замбил устига бир зумда тўр соябон тўқиди. Замбилнинг бир томонини очиқ қолдириб, унга эшик ясади.

— Итни бир илож қилиб бошқа томонга олиб кетасизлар. Ит чиқиши билан иннинг эшиги беркитилади. Кейин замбилнинг очиқ томонини иннинг оғзига тўғрилаб очамиз. Қарабсизки, Йўлбарсвой ўз оёғи билан қафасга кириб келади. Замбилни икки томонидан кўтариб машинага юклаймиз.

Ҳамма нарса тайёр. Фақат бир илож қилиб, Қоплонни чалғитиш-у, Йўлбарсни қафасга жойлаштириш қолди. Мен Қоплонни оғилхонага чақирдим. Гўё у бирор хавфни сезгандек орқасига қайрилиб, истар-истамас мен таклиф қилган гўштни ейиш учун келди. Алдабсулдаб унинг бўйнидан занжирга боғладим. Оғилхона эшигини ёпиб, устидан занжирладим.

Машина аллақачон буталар орасидан қир ортига ўтиб кетган. Унинг чанги ҳам кўринмайди. Мен бориб занжирда ўзини қийнаётган Қоплонни бўшатиб юбордим. У дарҳол ин томонга югуриб кетди. Инда Йўлбарсни тополмагач, қамишзорга, қир томонга, қўйлар тўдаси сари елиб-югурди.

Йўлбарс ҳайвонот боғига жўнатилганига бир ҳафта бўлди. Бу вақт мобайнида Қоплон кундузи қаёқлардадир дайдиб юрар, кечаси эса ин атрофини айланиб вовуллаб чиқарди. У ҳамон на овқат ер, на сув ичарди. Жунлари тўзғиб, суяклари кўриниб қолди...

Йўлбарс ҳайвонот боғида уч кун ғиншиб, кейин қўникиб кетипти. Буни менга Йўлбарс учун пул олиб келган ўрмон хўжалигининг директори айтиб берди. Ҳозир ҳам ҳайвонот боғига бориб, йўлбарсларни кўрсам, ўша воқеа эсимга тушади.

Машъал ҲАКИМОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

Сўзсиз сурат.

БУЮРТМАЧИ: — Алло, ателъеми? Қачон тайёрлаб бераснлар, ахир?..

ОШИҚ: — Қаерда ишлайсиз?
МАШУҚ: — Ўқишни заочний битирдим, энди биронта заочний иш ахтаряпман!

УСТА: — Айтмовдимми сенга «устани айтганини қил, қилганини қилма!» — деб...

А. Ҳолиқов расмлари.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 15.45 —ТОШКЕНТ. 15.50 — «Юлдузча». 16.20 — «Дугоналар». 17.00 — МОСКВА. **Хоккей:** «Крылья Советов» — «Спартак». 19.20 — ТОШКЕНТ. 19.35 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.55 — Ўн минут музика. 20.05 — Вьетнам этюдлари. 20.40 — **«Ахборот».** 21.00 — **Гулсара** (спектакль). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Спектаклнинг давоми. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 9.55 — ТОШКЕНТ 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телефильм. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — Касбим-фахрим. 11.30 — Ота-оналар, сизлар учун. 12.00 — СССР халқлари куйлари. 12.45 —Ўқув кўрсатуви. 15.45 — МОСКВА. 17.00 — ТОШКЕНТ. 17.30 — Ассалом, ўқитувчи. 18.00 — **Бензоколонка маликаси** (бадиий фильм). 19.20 — МОСКВА. **Ҳайвонот оламида.** 20.20 — **Аслида ёмон одам эмас.** (бадиий фильм). 22.00 — «Азимут» (Тошкент). 22.30 — Оперетта ишқибозлари учун. 22.30 — Рақс зали. 24.00— Янгиликлар. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.15 — ДУШАНБА.

5 октябрь, якшанба

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — «Кичкинтой». 19.05 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.25 — **«Ахборот».** 19.40 — Партком ва социалистик мусобақа. 20.10 — Шеърият муҳлисларига. 20.30 — **«Ахборот».** 20.50 — КПСС XXV съездига меҳнат рапортлари. 21.20 — **Телеминиатюралар.** 22.00 **Футбол:** «Торпедо» — « Зенит». 22.45 — Пахта усталари минбари. 23.00 — Концерт. 24.00 — **«Вақт».** **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00—Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.30 — Телетеатр. 13.30 — Ўқитувчилар, сизлар учун. 12.00 — Концерт. 13.00 — **Душанбагача бир гап бўлар** (бадиий фильм). 14.40 Биринчи ўқитувчим. 15.25 — Киноэкран янгиликлари. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Сергей Есенин туғилган кунининг 80 йиллигига. 20.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 21.00 — Музикали кўрсатув. 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.30 — Телефильм. 22.45 — МОСКВА. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.45 — ФРУНЗЕ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/Х да **Инқилоб тонги** (билетлар сотилган). 5/Х да **Абу Райҳон Беруний.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/Х да **Кўнгли ёш қарилар.** 5/Х да **Сув келтирган азиз.**

«ШАПИТО» ЦИРКИДА — Москва Давлат цирки артистларининг гастроллари (17.30).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Бобби (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ. «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «НУҚУС» (кундуз ва кечқурун).

Фланг сиз фронт — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (12.00, 15.00, 16.00, 18.00, 19.00), «ҚОЗОГИСТОН» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Эй, Эломия! (10.00, 18.30, 20.00), **Кромвель** (11.30, 14.00, 16.15, 21.15): — «МОСКВА».

Севишганлар ҳақида қисса — «ҚОЗОГИСТОН» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00).

Миллионни қандай ўғирлаш керак? — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). (11.00, 14.15, 17.30, 20.45).

Отни аёл эгарлаганда —«ДРУЖБА» (10.20, 11.00, 13.00, 14.30, 21.00).

Сўнгги ўқ, Қопқон: — «ЧАЙКА»

Тошкент Давлат цирки

8 октябрь соат 12.00 дан бошлаб ««Шапито» циркида

(Киров кўчаси, 11-уй)

Ўзбекистон ССР халқ артисти ҲАКИМ ЗАРИПОВ раҳбарлигидаги

«Ўзбекистон йигитлари» аттракционига абитуриентлар

КОНКУРСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

16-22 ёшли йигитлар қабул қилинади.

Кирувчилар: паспорт, турар жойидан справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжатни топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кўчаси, 18-уй.

ДОИМИЙ ИШГА

печатниклар, печатник шогирдлари, приёмчилар, ҳарф терувчилар, созловчи-слесарлар, слесарлар, газ қурилмалари операторлари, кондиционер ва вентиляция бўйича слесарлар, слесарь-сантехниклар, лифт бўйича механиклар, электриклар, бухгалтерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

Спорт

СССР ЧЕМПИОНАТИДА

В. С. Метрофанов номли сув спортн комбинатида олий лига командалари ўртасида сув полоси бўйича СССР чемпионатининг биринчи давра иккинчи тур учрашувлари старт олди. Биринчи бўлиб сув усти кураш майдонига Киев ва Тбилиси динамочилари тушишди. Учрашувда Киев спортчилари ҳужумкор руҳда ўйнаб 6:4 ҳисобида муваффақият қозондилар. Москва динамочилари эса Минскининг «Буревестник» командасини 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шу ҳисобда Москва Давлат университети студентлари Ленинграднинг «Балтика» командасини енгдилар.

Кечқурунги матчда эса Тошкентнинг «Меҳнат» командаси Бокунинг ҚБКФ командаси билан учрашди. Бу беллашувда тошкентликлар 4:3 ҳисобида голиб чиқдилар. Ҳарбий Денгиз Флотининг марказий спорт клуби ватерполчилари эса Волгаграднинг «Спартак» командаси устидан 10:5 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Учрашувлар давом этмоқда.

УНТА КУМУШ

Москва яқинидаги Митнщчи шаҳрида ўтказилган мерганларнинг СССР шахсий-команда чемпионатида республикамиз вакиллари ҳам муваффақиятли қатнашдилар. Тошкентлик спорт мастерлари П. Кобрусев, Д. Чесноков, А. Захаров, В. Горюнов, К. Сургучев ва В. Чичков МВ-11, МП-7 каби машқларни муваффақиятли бажариб, ўнта кумуш медални қўлга киритдилар. Мусобақаларда барча иттифоқдош республикалар ҳамда Москва ва Ленинград шаҳарлари терма командалари ҳам иштирок этди.

«БИНОКОР» ШАЙЛАНМОҚДА

11 октябрда шайбали хоккей бўйича СССР чемпионатининг биринчи тур учрашувлари бошланади. Ҳозир Тошкентнинг «Бинокор» командаси бу мусобақаларга пухта ҳозирлик кўрмоқда. Чемпионатнинг дастлабки кунида у Темиртауда маҳаллий «Строитель» командаси билан куч синашади.

Шу кунларда чемпионат олдидан Тошкентда Оренбургнинг «Южний Урал», Березникининг «Титан», Верхняя Салданинг «Старт» ва Тошкентнинг «Бинокор» командалари ўзаро ўртоқлик учрашувлари ўтказмоқдалар. Биринчи давра учрашувларида тошкентлик спортчилар барча рақибларини мағлубиятга учратиб 6 очко тўпладилар. Ҳозир улар иккинчи давра учрашувларида қатнашмоқдалар.

ШАШҚАЧИЛАР БАҲСИ

Тошкентда кўнгилли спорт жамиятлари марказий ва республика Советлари терма командалари баҳси бошланди. Биринчи турда «Пахтакор» шашкачилари Локомотив командаси устидан 3,5:2,5, «Меҳнат» эса «Спартак» командаси устидан 3,5:1,5 ҳисобида муваффақият қозонди.

Турнирда энг кучли 36 шашкачи иштирок этмоқда. Бир ҳафта давомида улар ўз командалари спорт шарафини ҳимоя қиладилар.

УЙ БЕКАЛАРИ МАМНУН БЎЛАДИ

Ўчоқбоши юмуши ҳамон уй бекаларининг кўп куч ва вақтини олмоқда. Бироқ, агар кўлингиздаги идиш-товоқлар қулай бўлишдан ташқари чиройли бўлса, иш анча юришиб кетади.

Сирли идишлар — кружкалар, кастрюллар, бидонларни ҳам чиройли қилса бўлади. Бунинг учун уларни кўлда бўяшнинг кераги йўқ. Новочеркаскдаги техника институтида ясалган гул солувчи ярим автомат трафарет босма усулида идиш товоқларга турли гуллар ва ёзувларни туширади. Ҳар соатда бу автомат 500 та сирли идишни безайди.

Идиш товоқларнинг турига қараб бу ярим автомат йилига 35—100 минг сўмгача иқтисодий самара беради.

Новочеркаск политехника институтининг иши билан СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Металлургия» павильонидаги «Қора ва рангли металлургияда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш тажрибаси» деган кўргазмада танишиш мумкин.

Р. МИШИНА,
СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси.
ТАСС.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р—02696. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26 Индекс 64634. Б—3474.